

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СТАНДАРТИ

**Туризм хизматлари.
Меҳмонхоналар ва ўхшаш жойлаштириш воситалари.
Таснифлаш тизими**

Расмий нашр

«Ўзстандарт» Агентлиги

Тошкент 2018

Сўз боши

1 “Туристтик хизматларни сертификатлаштириш маркази” Давлат унитар корхонаси томонидан ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ.

2 Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси томонидан ТАСДИҚЛАШГА ТАҚДИМ ЭТИЛДИ.

3 Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги («Ўзстандарт» агентлиги)нинг 07.02.2018 йил 05-925 -сонли қарори билан ТАСДИҚЛАНДИ.

4 ГОСТ 28681.4.-95 ўрнига.

5 ДАСТЛАБКИ ЖОРИЙ ЭТИЛИШИ

Ушбу стандартни ва унинг ўзгартишларини Ўзбекистон ҳудудида жорий этиши (амалини бекор қилиши) ҳақидаги ахборот «Ўзстандарт» Агентлиги томонидан нашр этиладиган кўрсаткичда чоп этилади. Ушбу стандартни қўллаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқувчи томонидан тақдим қилиниши мумкин. Ушбу стандартни қайта кўриб чиқиши (ўзгартириши)ёки бекор қилиши ҳақидаги мувофиқ ахборот «Ўзстандарт» агентлиги томонидан нашр этиладиган ахборот кўрсаткичда чоп этилади.

Ушбу стандартни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида расмий чоп этиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасига ва «Ўзстандарт» Агентлигига тегишли.

Мундарижа

1	Қўлланиш доираси	1
2	Норматив ҳужжатларга ҳаволалар	1
3	Атамалар ва таърифлар	2
4	Меҳмонхоналар ва ўхшаш жойлаштириш воситаларини таснифлаш	2
5	А илова	3

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ДАВЛАТ СТАНДАРТИ

Туристские услуги Гостиницы и аналогичные средства размещения. Система классификации

Туризм хизматлари Меҳмонхоналар ва ўхшаш жойлаштириш воситалари. Таснифлаш тизими

Tourist service. Hotels and similar accommodation. Grading scheme

Жорий этиш санаси 2018 й.1 август

1 Қўлланиш доираси

Ушбу стандарт меҳмонхоналар ва ўхшаш жойлаштириш воситаларини таснифлаш тизимини белгилайди.

Стандарт, сертификатлаштириш органлари томонидан туристик хизматларни сертификатлаштириш мақсадида ва турли мулк шаклига эга корхоналар томонидан меҳмонхона хизматлари кўрсатилиши вақтида қўллаш учун яроқлидир.

2 Норматив ҳужжатларга ҳаволалар

Ушбу стандартда куйидаги стандартларга норматив ҳаволалардан фойдаланилган:

О‘z DSt ISO 18513:2017 Туризм хизматлари.Меҳмонхона ва туристларни жойлаштириш воситаларининг бошқа турлари.Атамашунослик.

О‘z DSt 3220:2017 Туризм хизматлари.Жойлаштириш воситалари.Умумий талаблар

Изоҳ – Мазкур стандартдан фойдаланганда ҳавола қилинган стандартларнинг (таснифлагичларнинг) Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалда эканлигини жорий йилнинг 1 январигача тузилган стандартлар (таснифлагичлар) кўрсаткичи бўйича ва жорий йилда чоп этилган тегишли ахборот кўрсаткичлари бўйича текшириш зарур.Агар ҳавола қилинган ҳужжат алмаштирилган (ўзгартирилган) бўлса, у ҳолда мазкур стандартдан фойдаланганда алмаштирилган (ўзгартирилган) ҳужжатга амал қилиш керак.Агар ҳавола ҳужжати алмаштирилмасдан бекор қилинган бўлса, у ҳолда бу ҳужжатга ҳавола берилган қонданинг ушбу ҳаволага даҳлсиз қисми қўлланилади.

3 Атамалар ва таърифлар

Ушбу стандартда O‘z DSt ISO 18513 ва O‘z DSt 3220 да келтирилган атамалар, ҳамда қуйидаги атамалар тегишли таърифлари билан қўлланилган:

3.1 таснифлаш тизими: Бинолар, жиҳозлар, номенклатура ва тақдим қилинаётган хизматлар ҳамда хизмат кўрсатиш даражасига доир талаблар мажмуига асосланган тегишли тоифани жойлаштириш воситаларига бериш учун тақдим қилинаётган меҳмонхона хизматларининг сифатини баҳолаш тизими.

Изоҳ: Таснифлаш тизими биттадан бештагача юлдузлар билан белгиланадиган бешта тоифадан иборат.

3.2 меҳмонхона тоифаси: Маълум талаблар мажмуи билан тавсифланадиган таснифлаш гуруҳланиши.

3.3 маданий мерос объекти: Тарихий, илмий, бадий ёки ўзгача маданий қимматга эга бўлган ансамбллар, диққатга сазовор жойлар ва ёдгорликлар.

3.4 тарихий манзилгоҳ: Ўтмишда яратилган, тарихий, эстетик, ижтимоий-маданий, археологик, архитектура ёки шаҳарсозлик қадриятларини ўзида ифодаловчи ва халқнинг ўзига хослигини, унинг дунё цивилизациясига қўшган хиссасини сақлаш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган, ҳудудида моддий маданий мерос объектлари жойлашган манзилгоҳ.

3.5 Лаундж-Бар («Lounge Bar»): Тинч-хотиржам вақт ўтказиш, бирор киши билан учрашиш мумкин бўлган, мусиқаси баланд бўлмаган, ёқимли муҳитли бар.

4 Меҳмонхоналар ва ўхшаш жойлаштириш воситаларини таснифлаш

4.1 Меҳмонхоналар ва ўхшаш жойлаштириш воситалари O‘z DSt 3220 талабларига мувофиқ бўлиши керак.

4.2 Меҳмонхоналар ва ўхшаш жойлаштириш воситаларининг турлари O‘z DSt 3220 да белгиланган.

4.3 Меҳмонхоналар ва ўхшаш жойлаштириш воситаларини тоифалар бўйича таснифлаш қуйидагиларга диор талаблар мажмуига асосланган:

- бинолар ва унга туташ ҳудуд;
- техник жиҳозлар ва асбоб-ускуналар;
- номер фонди;
- санитар объектлар;
- жамоат жойлари;
- хизматларни тақдим қилиш.

4.4 Тоифалар «★» (юлдуз) белгиси билан белгиланади ва бешта тоифа бўйича таснифланади. Меҳмонхоналар ва ўхшаш жойлаштириш воситалари учун – энг юқори тоифа «★★★★★» (5 юлдуз), энг паст «★» (битта юлдуз).

4.5 Таснифлаш талабларининг рўйхати А иловада келтирилган.

4.6 Жойлаштириш воситаси бинолари ва хоналарининг жиҳозлари, иншоотлари, асбоб-ускуналари ва инвентари белгиланган функционал талабларга мувофиқ бўлиши керак.

4.7 Жойлаштириш воситаси бино ва хоналарнинг жиҳозлари, иншоотлари, асбоб-ускуналари ва инвентарида аниқланган носозликларни бартараф этиш бўйича ўз вақтида чоралар кўриши керак.

4.8 Ахборот таъминоти, реклама ва бошқа мақсадларда меҳмонхона тоифасидан фойдаланиш, белгиланган тартибда олинган мувофиқлик сертификатига биноан, жойлаштириш воситасига берилган тегишли тоифа асосида амалга оширилиши керак.

А илова

**Турли тоифадаги меҳмонхоналар ва ўхшаш жойлаштириш
воситаларига доир талаблар**

	Талаб	Тоифа				
		★	★★	★★★	★★ ★★	★★ ★★★
	Бино ва унга туташ ҳудуд ¹²					
1	Куннинг қоронғи вақтида бино ва унга туташ ҳудуднинг ташқи ёриткичларининг мавжудлиги			+	+	+
2	Автотранспортни қисқа вақт тўхтаб туриши учун майдонча			+	+	+
3	Ресторанга (кафе, барга) алоҳида кириш йўли бўлганда – унинг номи ёзилган тахтача		+	+	+	+
4	Имконияти чекланган инсонлар ҳаракатланиши учун пандуснинг мавжудлиги ва тўсиқларнинг йўқлиги	+	+	+	+	+
5	Меҳмонлар учун кириш:					
	- автотранспортдан келиш йўлида атмосфера ёгинларидан ҳимоялаш учун соябонли				+	+
	- жойлаштириш воситасидан ресторанга (кафе, барга)	+	+	+	+	+
	- хизматчилар кириш йўлидан алоҳида	+	+	+	+	+
	Техник жиҳозлар ва асбоб-ускуналар ¹²					
6	Авария асбоб-ускуналари ва энергия таъминоти:					
	- авария асбоб-ускуналари (аккумуляторлар, фонарлар)	+	+	+	+	+
	- техник лойиҳага биноан кўчмас генератор мавжудлиги: 24 соат давомида асосий ёритишни ва асосий жиҳоз ¹³ ишини таъминлайди; биринчи қаватгача лифтлар ишини таъминлаш			+	+	+
7	Сув таъминоти:					
	- авария, профилактик ишлар вақтида иссиқ сув таъминотининг захира тизимидан иссиқ сув			+	+	+
	- сувга ишлов бериш (филтрация ва тозалаш) бўйича ускуна				+	+
	Изоҳ: 1 «+» белгиси талабнинг бажарилиши мажбурийлигини билдиради. 2 “+*” индекслар учун изоҳлар жадвалнинг охирида келтирилган (14 бет).					

	- ичимлик сувининг сифати ва хавфсизлигига кафолат бериш ¹¹	+	+	+	+	+
8	Бутилкаларга қадоқланган ичимлик суви (яшаш нархига киритилган):					
	- йўлакда кулерда	+	+			
	- номерда			+	+	+
9	Жамоат ва яшаш жойларида иссиқлик (иситиш) тизимининг мавжудлиги	+	+	+	+	+
10	Йил бўйи барча хоналарда ҳавони меъёрга келтириш (кондициялаш) тизимининг мавжудлиги				+	+
11	Техник лойиҳага биноан жамоат ва яшаш жойларида мажбурий вентиляция тизимининг мавжудлиги			+	+	+
12	Жамоат худудлари ва яшаш қаватларининг йўлакларида қўриқлаш сигнализацияси ёки видео кузатув			+	+	+
13	Бинодаги лифт (фойдаланиладиган қаватларнинг умумий сони):					
	- уч қаватдан кўп	+	+			
	- икки қаватдан кўп			+	+	+
	- хизмат/юк ташиш (ёки юк қўтаргич) учун қўшимча				+	+
14	Ички радиоэшиттириш	+	+	+	+	+
	барча жамоат жойларида, жумладан лифтларда радио узатиш имконияти билан				+	+
15	Интернет (WI-FI)					
	- жамоат жойларида			+	+	+
	- барча номерларда	+	+	+	+	+
	Номер фонди ¹²					
16	Бир/икки ўринли номерлар ^{7,8} :					
	- 25% дан кам эмас	+				
	- 50% дан кам эмас		+			
	- 100% дан кам эмас			+	+	+
17	Кўп хонали ёки қўшилган номерлар ⁸		+	+		
18	Кўп хонали номерлар ⁸				+	+
19	Номерларнинг умумий сонидан 4% дан кам эмас – “юқори тоифадаги” номерлар ⁸				+	+
20	Номер майдони (санузел, пешайвон, балкон, айвон майдонини ҳисобга олмасдан), m ² қуйидагилардан кам эмас:					

	бир хонали бир ўринли	Бир хонали икки ўринли («дабл» ва«твин»)					
	9	12	+	+			
	12	14			+		
	14	16				+	+
21	Ногиронлар учун шароитлари бўлган номернинг борлиги (номер фондидан 1% дан ва бир номердан кам бўлмаган)					+	+
Номерларнинг санитар-гигиеник жиҳозланганлиги ¹²							
22	Номерда ваннали ёки душ хонали тўлиқ санузел		+	+	+	+	
23	Номерда ваннали тўлиқ санузел						+
24	Биде ёки унитаз учун гигиеник душ:						
	- камида 50 % номерларда		+	+			
	- камида 75 % номерларда				+	+	
	- барча номерларда						+
25	“Юқори тоифали” номерларда қўшимча санузел (бет-қўл ювгич ва унитаз) ⁸					+	+
26	Санузел майдони, m ² қуйидагилардан кам эмас:						
	- 3,0		+	+			
	- 3,5				+		
	- 4,0 ва 2,5 – қўшимча санузелнинг					+	
	- 5,0 ва 3,0 – қўшимча санузелнинг						+
27	Кўзгу:						
	- катта ўлчамдаги бет-қўл ювгич тепасида ёки кўзгули девор					+	+
	- соқол олиш ва макияж учун, косметик					+	+
28	Оёқ учун гиламча/пахмоқ сочик		+	+	+	+	+
29	Соч қуритиш учун фен		+	+	+	+	+
30	Сочиклар (ҳар бир меҳмонга):						
	- иккитадан кам эмас (қўл ва ҳаммом учун)		+	+			
	- учтадан кам эмас (иккита қўл ва битта ҳаммом учун)				+		
	- олтитадан кам эмас (юз, қўл ва ҳаммом учун иккитадан)					+	+

31	Ҳаммом халати (ҳар бир меҳмон учун)			+	+	+
32	Ҳаммом шиппаги (ҳар бир меҳмон учун)				+	+
33	Пардоз-андоз буюмлари (ҳар бир меҳмон учун):					
	- атир совун, шампунь ва ювиниш учун гель	+	+	+	+	+
	- ҳаммом қалпоқчаси, тиш пастаси ва чўткаси, тароқ			+	+	+
	- соч учун кондиционер, тана учун лосьон, кулоқ учун пахтали чўплар ва косметик ёстиқчалар, бир марталик устара, соқол олиш учун гель/кўпик				+	+
	- ванна учун кўпик					+
	- жойлаштириш воситаси номи ёки ишлаб чиқарувчи бренди билан фирма қадоғида			+	+	+
34	Пардоз-андоз буюмларини алмаштириш:					
	- кун ора ва илтимосга кўра	+	+	+		
	- ҳар куни ва илтимосга кўра				+	+
35	Кўл сочиқлар:					
	- қоғозли		+	+	+	+
	- пахмоқ				+	+
	Номерларнинг техник жиҳозланганлиги ¹²					
36	Эшиклар ва қулфлар:					
	- ички сақлагичли	+	+	+	+	+
	- электрон қулфлар			+	+	+
	- эшикдаги кўзча				+	+
37	Ҳимоя сигнализацияси				+	+
38	Товуш изоляцияси: ¹¹					
	- 35 ДБ даражасида	+	+	+		
	- 35 ДБ дан кам шовқин даражасини таъминлайдиган, юқори				+	+
39	Ёритиш:					
	- хоналарда шифт, девор ёки полда турадиган чироқдан	+	+	+	+	+
	- кроватъ олдидаги чироқ	+	+	+	+	+
	- стол устидаги чироқ			+	+	+

	- бет-қўл ювгич тепасидаги чироқ	+	+	+	+	+
	- барча ёруғлик манбаларининг (санузелдагиси бундан мустасно) кровать бош томонидаги ва киришдаги улаб-узгичи				+	+
40	Электр розеткалар:					
	- кучланишни кўрсатиш билан	+	+	+	+	+
	- турли пазли розеткалар борлиги ёки универсал адаптер борлиги (сўровга кўра)			+	+	+
41	Ваннахонани иситиш: иссиқ пол, қуритгич ёки бошқа иситиш воситалари (мосламалари)				+	+
42	Кондиционерлар (девордаги, шифтдаги ёки б.)	+	+	+		
43	Вентиляция ва ҳавони совутиш/меъёрга келтиришнинг марказлашган тизимлари				+	+
44	Ҳароратни индивидуал тартибга солиш учун термостат (қишда иситиш тизимлари, ёзда совутиш/меъёрга келтириш тизимлари)				+	+
45	Телефон ва номердан телефон алоқаси:					
	- 100 % номерларда ички (жойлаштириш воситасининг ташқарисига чиқмасдан) ёки хизмат кўрсатиш ходимларни чақириш тугмаси	+				
	- 100 % номерларда ички (жойлаштириш воситасининг ташқарисига чиқмасдан)		+ ³			
	- 100 % номерларда ички (жойлаштириш воситасининг ташқарисига чиқмасдан) ва шаҳар			+ ³		
	- 100 % номерларда ички (жойлаштириш воситасининг ташқарисига чиқмасдан), шаҳар, шаҳарлараро ва халқаро				+	+
46	Телевизор:					
	- 32 дюйм ва ундан юқори бўлган диагоналли	+	+	+		
	- 40 дюйм ва ундан юқори бўлган диагоналли				+	+
	- “юқори тоифали” ¹⁴ номерларнинг ҳар бир хонасида				+	+
	- дунё телекомпанияларининг асосий дастурлари трансляцияси билан	+	+	+	+	+
47	Совутгич/мини бар (барча номерларда)			+	+	+
	“юқори тоифали” номерларда	+	+	+	+	+
48	Чой ва кофе танлови билан электр чойнак			+	+	+
49	Мини-сейф (электр қулфли)				+	+
	Номерларни мебель ва инвентарь билан жиҳозланганлиги ¹²					

50	Кровать (минимал ўлчамлар):					
	- бир кишилик 80×190 cm	+	+			
	- бир кишилик 90×200 cm			+	+	+
	- икки кишилик 160×190 cm	+	+	+		
	- икки кишилик 180×200 cm				+	+
	- “юқори тоифали” номерларда икки кишилик 200×200 cm					+
	- болалар кроватлари (илтимосга кўра), жойлаштириш воситасида номер фонди сонидан 2% дан кам бўлмаслиги (лекин камида бир кроват)	+	+	+	+	+
51	Кроватлар сонига кўра ётоқ буюмлари ва чойшаблари тўплами: тўшак ғилофили тўшак, ёстиқжилдли иккита ёстиқ (ҳар бир меҳмонга), кўрпа, қўшимча кўрпа, кровать ёпинғичи, чойшаб ва кўрпажилд	+	+	+	+	+
52	Тўшак баландлиги қуйидагилардан кам эмас:					
	- 13 sm	+	+			
	- 18 sm			+	+	+
53	Табий матолардан ётоқ чойшаблари (зиғир, пахта, ипак)	+	+	+	+	+
54	Пахмоқ чойшаб – “юқори тоифадаги” номерлар			+	+	+
55	Кровать олдидаги гиламча: гилам ёки гиламли қоплама йўқлигида ҳар бир кровать олдида	+	+	+		
56	Гиламлар ёки полнинг гиламли қопламалари				+	+
57	Токчали, илгакли ва кийимосгичли шкаф (5 дона/жойдан кам эмас)	+	+	+	+	+
58	Стул	+	+	+	+	+
59	Дам олиш учун кресло:					
	- ҳар бир меҳмонга				+	+
	- номерга		+	+		
60	Стул/ёзув столи	+	+			
61	Ёзув столи			+	+	+
62	Журнал столчаси				+	+
63	Бўй баравар кўзгу	+	+	+	+	+
64	Комбинацияланган очқич (бутилка очиш учун)	+	+	+	+	+
65	Мини-бар учун идиш-товоқ тўплами				+	+

66	Кулдон (чекувчи номерлар учун)	+	+	+	+	+
67	Номердаги ахборот материаллари:					
	- инглиз тилида;			+	+	+
	- телефон маълумотномаси;	+	+	+	+	+
	- тақдим этиладиган хизматлар рўйхати;	+	+	+	+	+
	- туристик ва бошқа маълумотли реклама материаллари (буклетлар, рисоалар ва б.)		+	+	+	+
68	Ёзув ашёлари тўплами (конвертлар, почта қоғозлари, ручка ва қалам)			+	+	+
69	Чўткалар: кийим, оёқ кийим учун	+	+	+	+	+
70	Соябон				+	+
71	Кирхона, кимёвий тозалаш учун халталар	+	+	+	+	+
	Умумий фойдаланиш учун санитар объектлари ¹²					
72	Умумий фойдаланиш учун ҳожатхоналар жиҳозлари:					
	- ҳожатхона кабиналари, иссиқ ва совуқ сувли бет-қўл ювгич (аралаштиргич), кўзгу, - электр розетка, сууқ совунли диспансер, ҳожатхона қоғози (захира ўрами билан), кийим учун илгаклар, чиқинди учун сават	+	+	+	+	+
	- қоғоз сочиқлар (ёки электр сочиқ)	+	+	+	+	
	- пахмоқ қўл сочиқлар, ишлатилган пахмоқ қўл сочиқлар учун сават					+
	- унитаз учун бир мартали ўриндиқлари бор диспансер					+
	- қўл кремили диспансер					+
	- гигиена буюмлари учун халтали диспансер					+
73	Санитария хоналарини сопол ёки мрамор плиталар билан қоplash/ёпиш (деворлар ва полларни)	+	+	+	+	+
	Жамоат жойлари ¹²					
74	Жамоат жойлари жойнинг функционал белгиланишига мос бўлган мебель ва бошқа жиҳозларга эга бўлиши керак	+	+	+	+	+
75	Махсус пол қоplashи: гранитли, мраморли ёки мозаикали	+	+	+	+	+
76	Бадий композициялар	+	+	+	+	+
77	Йўлақларда видеокамералар			+	+	+
78	Қабул қилиш ва жойлаштириш хизматида портъе устуни	+	+	+	+	+
79	Холл (вестибюль) майдони, қуйидагилардан кам эмас: ¹⁶					

	- 9 m ² ҳамда 21-дан бошлаб ҳар бир хона ҳисобидан 1 m ² , максимал майдон 25 m ² дан ошмаслиги мумкин	+				
	- 20 m ² ҳамда 21-дан бошлаб ҳар бир хона ҳисобидан 1 m ² , максимал майдон 40 m ² дан ошмаслиги мумкин		+			
	- 30 m ² ҳамда 21-дан бошлаб ҳар бир хона ҳисобидан 1 m ² , максимал майдон 80 m ² дан ошмаслиги мумкин			+		
	- 30 m ² ҳамда 21-дан бошлаб ҳар бир хона ҳисобидан 1 m ² , максимал майдон 120 m ² дан ошмаслиги мумкин				+	
	- 30 m ² ҳамда 21-дан бошлаб ҳар бир хона ҳисобидан 1 m ² , максимал майдон 160 m ² дан ошмаслиги мумкин					+
80	Холл/вестибюль:					
	- стуллар ва газета ҳамда журналли журнал столчалари	+	+			
	- креслолар, диванлар ва газета ҳамда журналли журнал столчалари			+	+	+
	- ичимлик бериш билан				+	+
	- гиламлар, гиламли ёки бошқа пол қопламаси			+	+	+
	- мусиқий эшиттириш			+	+	+
	- гардероб				+	+
	- илгаклар	+	+	+	+	+
	- оёқ кийимни тозалаш учун автомат		+	+	+	+
81	Асосий дастурларни трансляцияси билан диагонали 40 дюймдан кам бўлмаган телевизорли холл/вестибюль:	+	+	+	+	+
	- миллий телекомпаниялар	+	+	+	+	+
	- дунё телекомпаниялари			+	+	+
82	Меҳмонларнинг қимматбаҳо буюмларини сақлаш учун индивидуал сейф хоначалари ⁴			+	+	+
83	Багажни сақлаш учун камера			+	+	+
84	Қуйидагилари бўлган конференц-зал: ^{8,9}					
	- синхрон таржима учун жиҳозли				+	+
	- аудио ва видео аппаратурали			+	+	+
85	Бизнес-марказ (электрон алоқа воситалари, нусхалаш техникаси, музокаралар учун хоналар, компьютерлар) ^{8,9,10}			+	+	+
86	Тренажер залли спорт-соғломлаштириш маркази			+	+	+

87	Сузиш ҳовузи				+	+
88	Мини-ҳовузли сауна				+	+
89	Сузиш ҳовузи ёки мини-ҳовузли сауна ¹			+		
90	Йўлакларда гиламли қоплама (гиламлар)			+	+	+
91	Дўконлар ва савдо шаҳобчалари ¹⁵				+	+
92	Ходимлар учун хизмат хоналари: овқатланиш учун ошхона/хона, санузеллар, ечиниш хоналари, дам олиш хоналари, ёрдамчи хоналар	+	+	+	+	+
93	Кафе	+	+			
94	Барли кафе				+	+
95	Лаундж- Бар “Lounge Bar”			+	+	+
96	Ресторан ⁸			+		
97	Ресторанлар:					
	- иккитадан кам эмас				+	+
	- таомларнинг турли ассортименти бўлган (миллий ошхона ва бошқа халқлар ошхоналари)				+	+
	- бир неча заллар				+	+
98	Боғли ва табиий кўкаламзорлаштирилган ёзги ресторан					+
99	Банкет зали (заллари), тегишли аппаратура билан конференц-залга айлантирилиши мумкин ⁹				+	+
100	Тунги клуб (барли)					+
	Хизматлар ¹²					
101	Қабул қилиш ва жойлаштириш хизмати:					
	- яшовчиларни қидириш ^{8,9}				+	+
	- почта хизматлари	+	+	+	+	+
	- меҳмоннинг илтимосига кўра кутиб олиш ва кузатишларни (аэропортда, вокзалда ва ҳ.к.) ташкиллаштириш			+	+	+
102	Номерда гуллар ва совғалар билан ҳар бир меҳмон учун шахсий табрик (шахсий мактуб)					+
103	Меҳмон келиши билан уни номергача кузатиш					+
104	Багажни кечаю кундуз келтириш (машинадан номерга ва номердан машинага):					
	- мажбурий				+	+
	- илтимосга кўра	+	+	+		

105	Номерни кечки тайёрлаш				+	+
106	Ётоқ чойшабларини алмаштириш:					
	- уч кунда бир марта	+	+			
	- икки кунда бир марта			+		
	- ҳар куни				+	+
107	Сочикларни алмаштириш:					
	- икки кунда бир марта	+	+			
	- ҳар куни			+	+	+
108	Кир ювиш:					
	- 12 соат давомида бажариш			+	+	
	- экспресс-хизмат кўрсатиш – 5 соатдан кам					+
109	Дазмоллаш:					
	- 6 соат давомида бажариш	+	+	+		
	- 4 соат давомида бажариш				+	+
110	Кимёвий тозалаш ¹⁵ :					
	- бир сутка давомида бажариш;			+	+	
	- экспресс-хизмат кўрсатиш					+
111	Кийимни кичик таъмирлаш		+	+	+	+
112	-					
113	Маъмурият сейфида қимматбаҳо буюмларни сақлаш	+	+	+	+	+
114	Валюта алмаштириш (кечаю кундуз) ¹⁵			+	+	+
115	Электрон карталар бўйича тўловларни қабул қилиш	+	+	+	+	+
116	-					
117	Автомобиль ижараси ¹⁵				+	+
118	Меҳмонхона ходимлари томонидан автомобилни жойлаштириш ва бериш (гараждан/тўхташ жойидан)				+	+
119	Меҳмон автомобилига техник хизмат кўрсатишнинг асосий турлари ¹⁸	+	+	+	+	
120	Бизнес марказ хизматлари					
	- ҳужжатлардан нусха олиш			+	+	+
	- компьютерлар, босма ва нусха олиш техникасидан фойдаланиш			+	+	+

	- ноутбуклар ва планшетларни фойдаланишга бериш						+
	- таржимон, шу жумладан синхрон таржимон хизматлари					+	+
121	Транспортнинг ҳар хил турларига чипталарни брон қилиш ¹⁵				+	+	+
122	Театрлар, спорт, томоша тадбирларига чипталарни брон қилиш ¹⁵	+	+	+	+	+	+
123	Туристик хизматлар:						
	- туристик маълумотлар		+	+	+	+	+
	- экскурсиялар, гидлар хизматини ташкиллаштириш ¹⁵			+	+	+	+
124	Тиббиёт хизматлари: тиббиёт хонаси ¹					+	+
125	Энага хизматлари: болаларга қараб туриш					+	+
126	Болалар майдончаси						+
127	Ўқиш учун хона (кутубхона)					+	+
128	Яшовчилардан шикоятларни қабул қилиш	+	+	+	+	+	+
129	Меҳмонларни жойлаштириш хизмати ёки сайтда фикр-мулоҳазаларни билдириш учун кетаётган меҳмонларни фаол равишда таклиф қилиш	+	+	+	+	+	+
	Овқатланиш хизматлари ¹²						
130	Хизмат кўрсатиш (яшаш нархига киритилган):						
	- “швед нонуштаси” (7.00 - 10.00) ⁸					+	+
	- тўлиқ нонушта (7.00 - 10.00) ⁸				+		
	- континентал нонушта (7.00 - 10.00) ⁸	+	+				
131	Тақдим қилинадиган таомлар (эрта тонгдаги нонушта, икки марта, уч марта овқатланиш) вариантларидан ҳар қайсисини танлаш имконияти ⁸				+	+	+
132	Овқатланиш хизматини кечаю кундуз тақдим қилиш					+	+
133	Номерда хизмат қилиш:						
	- нонушта вақтида;		+	+	¹		
	- кечаю кундуз;					+	+
	- номерда рум-сервис менюси					+	+
	Ходимлар ва уларнинг тайёргарлигига доир талаблар ¹²						

134	Функционал мажбуриятлар ва ишнинг белгиланган қоидаларини қайд қилувчи, ходимлар учун ёзма стандартлар ва барча хизматлар ходимларининг уларга риоя қилиши	+	+	+	+	+
135	Швейцар ¹⁷			+	+	+
136	Консьерж				+	+
137	Хорижий тилларни билиш:					
	- хизмат кўрсатиш зонасида банд бўлган ходимларнинг рус ва инглиз тилларини етарлича билиши	+	+			
	- ходимлар рус ва инглиз тилларини эркин билиши			+	+	+
	- қабул қилиш хизматида камида учта хорижий тиллардан рус ва ўзбек тилларига таржимани таъминлаш			+	+	+
138	Ходимларнинг ташқи кўриниши: ходимларнинг танитувчи униформаси, лавозим ва исм кўрсатиб ўтилган хизмат бейджиклари	+	+	+	+	+
139	Жойлаштириш воситасининг узлуксиз равишда ишини таъминлаш учун ходимлар сони етарлича бўлиши керак	+	+	+	+	+

Изоҳлар:

¹⁾ Талаб номерлар сони 50 ва ундан кам бўлган жойлаштириш воситалари учун мажбурий эмас.

²⁾ _

³⁾ Дам олиш уйлари, пансионатлар ва бошқа ўхшаш жойлаштириш воситаларида ички телефон алоқаси ёки хизмат кўрсатиш ходимларини чақириш тугмаси бўлишига рухсат этилади.

⁴⁾ Талаб 100 % номерларда индивидуал сейфлар бор бўлганда мажбурий эмас.

⁵⁾ _

⁶⁾ _

⁷⁾ Бу ҳеч бўлмаса иккитаси катта ёшли инсон бўлган уч ва ундан кўп инсон учун оилавий номерлар борлигини рад этмайди.

⁸⁾ Талаб апартаментлар учун мажбурий эмас.

⁹⁾ Талаб спа-меҳмонхоналар учун мажбурий эмас.

¹⁰⁾ _

¹¹⁾ Аккредитланган лабораторияларнинг ўлчашлар/синовлар баённомалари асосида кўрсаткичлар мувофиқлигини тасдиқлаш.

¹²⁾ Бинолар, туташ ҳудудлар ва жойлардаги жиҳозлар, иншоотлар, асбоб-ускуналар, инвентарь ва б. белгиланган функционал талабларга мос бўлиши керак.

¹³⁾ O‘z DSt 3220 ва ушбу стандарт талабларидан келиб чиққан ҳолда меҳмонхона хизматлари учун фойдаланиладиган асосий жиҳоз.

¹⁴⁾ “Юқори тоифали” номерлар деб O‘z DSt ISO 18513 га биноан “оилавий хона”, “яримлюкс” ва “люкс” ҳисобланади.

¹⁵⁾ Ушбу талаб тегишли хизматларни кўрсатувчи бошқа корхоналар билан шартнома тузиш йўли орқали амалга оширилиши мумкин. Ушбу талаб жойлаштириш воситаси яқинида 100 m гача масофада талаб этилаётган хизматлар мавжуд бўлганда мажбурий эмас.

¹⁶⁾ Маданий мерос объекти бўлган биноларда ёки тарихий манзилгоҳлар ҳудудида жойлашган жойлаштириш воситалари учун талаб этилаётган майдоннинг 50 % га рухсат этилади.

¹⁷⁾ Талаб автоматик сенсор эшиклар ёки айланадиган компакт сенсор эшикларига эга бўлган жойлаштириш воситалари учун мажбурий эмас.

¹⁸⁾ Талаб фақат мотелларга тааллуқли.

УЎТ 658.386:006.354

СУТ 03.080.30

Мухим сўзлар: жойлаштириш воситаси, меҳмонхоналар таснифланиши, таснифлаш тизими, меҳмонхона тоифаси, талаблар
